

Маъмурий-ҳудудий тузилиши

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбий бўлимида, Амударёнинг қуи қисми, Орол дengизининг жанубий соҳилида жойлашган. Республика жанубий-ғарбий томондан Қорақум саҳросига туташган. Ўнинг шимоли-ғарбида Устюрт паст текислиги, шимоли-шарқий томонида esa Қизилқум саҳроси ястаниб ётибди. Орол дengизининг жанубий ҳудуди қорақалпоқ заминида жойлашган. Қорақалпоғистоннинг умумий йер майдони 166,6 минг квадрат километрдан иборат бўлиб, у ҳудудининг катталиги жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси вилоятлари ўртасида биринчи ўринда туради. Хоразм, Навои ва Бухоро вилоятлари билан шегара дош.

Республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилмаси 16 та туман ва 1 та шаҳардан иборат. Амударё, Беруний, Қораўзак, Кегейли, Бўзатов, Қўнғирот, Қонликўл, Мўйноқ, Нукус, Тахтакўпир, Тўрткўл, Хўжайли, Тахиатош, Чимбой, Шўманой, Элликқалъа туманлари ва Нукус шаҳри шулар жумласидандир.

Қорақалпоғистон Республикаси картаси



Image not found or type unknown